

Рўйхатдан ўтказиш махсус уюшган кузатувнинг бир тури бўлиб, кузатилаётган аҳолини, корхоналарни ва бошқаларни таркиби бўйича ҳақиқий сонини, белгиларини рўйхатдан ўтказиш асосий мақсад ҳисобланади ва унинг натижалари статистик ҳисоботларни юритишда қўлланилади.

Рўйхатдан ўтказиш, агар ҳамма ҳудуд кузатилаётган бўлса, ёппасига, агар ҳудуднинг бир қисми кузатилаётган бўлса, ёппасиз бўлиши мумкин.

Демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакат иқтисодий ҳаётини ташкил этиш учун аҳоли сони, таркиби ва жойлашиши тўғрисидаги маълумотларни олиш аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида мамлакатнинг барча ҳудудлари, мамлакат ичкарисида яшовчи ва чет элга кетган фуқаролар тўлиқ қамраб олинishi шарт.

Аҳолини рўйхатга олишда оилалар ва оилада яшовчилар сони, аҳоли таркибининг барча белгилари рўйхатга олинади.

Аҳоли кўйидаги белгилари бўйича рўйхатга олинади:

● Демографик (жинси, туғилган йили, никоҳлилиқ ҳолати ва ҳоказолар);

● Иқтисодий (асосий машғулот, қайси иқтисодий соҳада фаолият юритиши, қайси воситавий манбаа ҳисобига яшаётганлиги ва ҳоказолар);

● Маълумотининг умумийлиги ёки етуқлиги тавсифи (мактабга бориши, маълумот даражаси);

● Этник ҳолати (миллати, она тили, сўзлашув тили, фуқаролиги, туғилган жойи ва ҳоказолар).

Аҳолини рўйхатга олишда аҳолининг оғзаки сўзига эмас, аксинча ҳужжатларга асосланиш керак. Рўйхатга олиш вақтида ҳеч қандай оила ёки ушбу оилада яшовчи фуқаролар қолиб кетмаслиги ва битта фуқаро икки мартаба ёзилмаслиги учун тегишли чоралар кўрилиши шарт.

Ҳар бир мамлакат аҳолини рўйхатга олиш асосида мамлакатдаги аҳоли сони, жинси, миллати, ёши, табақалари, ишсизлар ва иш-

ловчилар сони ҳамда аҳоли билан боғлиқ бошқа турдаги маълумотларга эга бўлади.

Кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда 5 ёки 10 йилда аҳоли рўйхатдан ўтказиб борилади.

Мамлакатлар аҳолини рўйхатга олиш натижасида тўпланган маълумотларга таяниб мамлакатнинг келгусидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини белгилаб олади.

## АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ



Аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўтган даврлардаги маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, XVIII асрнинг охирилари ва XIX аср бошларида Европа давлатларида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тажрибаларидан келиб чиқиб, собиқ иттифоқда ҳам 1920, 1923, 1926, 1937, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йилларда аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йилларнинг ҳар бирида рўйхатдан ўтказишнинг белгилари ҳар хил бўлган.

Масалан, дастлаб 1920 йилдаги рўйхатдан ўтказишда ўша ҳудуддаги ишлаб чиқариш корхоналари ҳам биргаликда рўйхатдан ўтказилган бўлиб, рўйхатдан ўтказиш муддати шаҳар жойлари учун 7 кун, қишлоқ жойлари учун 14 кун қилиб белгиланган. Бунда асосан шаҳарлар ва доимий яшовчи аҳоли рўйхатдан ўтказилган. Корхоналар эса сўронома усулида рўйхатдан ўтказилган.

Рўйхатдан ўтказиш жараёнида аҳоли таркиби 18 та белги бўйича рўйхатга олинган.

Жумладан:

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида унинг жинси; ёши; миллати; она тили; фуқаролиги; туғилган жойи; рўйхатдан ўтказилаётган жойда қачондан яшаб келаётганлиги; никоҳлилиқ ҳолати; рус ва бошқа

тилларни билиш бўйича билим даражаси; маълумоти; нима билан бандлиги; ҳолати; иш жойи; касби; ҳеч қандай иш билан шугулланмайдиганлар учун қайси воситавий манбаа ҳисобига яшаётганлиги; жисмонан етишмовчилиги; руҳий соғломлиги; урушда қатнашганлиги қайд қилинган.

1923 йилда бир вақтнинг ўзида аҳоли ҳамда ўша ҳудуддаги ишлаб чиқариш, савдо корхоналари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уни ўтказиш муддати 7 кун қилиб белгиланган ва бунда фақат асосан шаҳар, шаҳар типидagi ҳудудлар, доимий яшовчи аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Бу рўйхатдан ўтказишда аҳолининг шахсий варағидан, оила ва хонадон хариталаридан фойдаланилган ва аҳоли таркиби 12 та белги бўйича рўйхатга олинган.

Жумладан:

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида унинг жинси; ёши; миллати; никоҳлилиқ ҳолати; асосий ва кўшимча машғулот; хунармандчилиги; фикрлаши, мансаби ёки мутахассислиги; ижтимоий ҳолати ва иш жойи; касби бўйича ишсизлик даври ва охири доимий иш жойи; ўқувчи учун берилаётган ёрдам пули ва степендия; ишга лаёқатсизлиги; қишлоқ хўжалигига алоқадорлиги; оилавий аҳоли қайд қилинган.

1926 йилда биринчи марта бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш ўтказилган бўлиб, бунда бутуниттифоқда яшовчи барча аҳоли тўлиқ қамраб олинган ва рўйхатдан ўтказиш муддати шаҳар жойлари учун 7 кун, қишлоқ жойлари учун 14 кун қилиб белгиланган.

Рўйхатдан ўтказиш вақтида аҳоли таркиби 18 та белги бўйича рўйхатга олинган.

Жумладан:

Аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида унинг жинси; ёши; фуқаролиги; она тили; туғилган жойи; рўйхатдан ўтказилаётган жойда қачондан яшаб келаётганлиги; никоҳлилиқ ҳолати; билимлилик даражаси; жисмонан етишмовчилиги, руҳий соғломлиги; асосий ва кўшимча машғулот; меҳнат соҳасидаги машғулот ҳолати; ишсизлар учун қачондан ишсизлиги ва



олдинги нима билан шугулланганиги; ҳеч қандай иш билан шугулланмайдиганлар учун қайси воситавий манбаа ҳисобига яшайётганлигида қилинган.

1937 йилда иттифоқда бир кунлик принципига асосланган ягона рўйхатдан ўтказиш бўлиб ўтган. Бунда биринчи мартаба назоратли кузатув орқали фақат мавжуд аҳоли рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бунда биринчи мартаба хонадонлар ва хонадонлардаги оилалар сони қайд қилинадиган рўйхат шаклидаги бланкалар ишлатилган ҳамда бу бланкаларга аҳоли таркибининг 14 та белгиси қайд қилиб борилган.

Айнан шу йилдаги рўйхатдан ўтказишнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда ягона ва биринчи мартаба аҳолидан унинг қайси динга мансублиги тўғрисида сўралган.

Ушбу рўйхатдан ўтказишнинг натижалари ҳукумат томонидан қоникарсон деб топишган ва унинг ташкилотчилари тутқун қилинган.

1939 йилда биринчи мартаба собиқ иттифоқ давлатининг барча ҳудудларида доимий яшайдиган ва мавжуд аҳоли рўйхатдан ўтказилган бўлиб, бунда хонадонлар ва хонадонлардаги оилалар сони аҳоли таркибининг 16 та белгиси бўйича рўйхат шаклидаги бланкаларда қайд қилиб борилган.

Жумладан:

Рўйхатдан ўтказилаётган оилادا яшовчи шахснинг оила бошлиғига алоқадорлиги; яшаш тавсифи (доимий ёки вақтинча яшашлиги); аҳоли рўйхати ўтказилаётган ҳудудда вақтинча яшаб келаётганлар учун унинг доимий яшайдиган манзили ва доимий яшайдиган манзилида қачондан буён яшамаётганлиги; аҳоли рўйхати ўтказилаётган ҳудудда вақтинча яшамаётганлар учун унинг қайси вақтдан буён яшамаётганлиги; рўйхат ўтказилаётган оилادا яшовчиларнинг жинси; ёши; никоҳлилик ҳолати; миллати; она тили; фуқаролиги; билимлилик даражаси; ўқувчилар учун унинг қайси даражадаги ўқув муассасасида ўқишлилиги; қайси ўрта ёки олий мактабни томонлаганлиги; асосий машғулоти ёки қайси воситавий манбаа ҳисобига яшайётганлиги; иш жойи.

Ушбу рўйхатдан ўтказиш охирига етказилгандан кейин рўйхатдан ўтказиш натижаларига аниқ ишонч ҳосил қилиш мақсадида, рўйхатдан ўтказилган ҳудуд 10 кун муддат ичида тўлиқ назоратли кузатувдан ўткази-

либ, назорат бланкаси тўлдирилган ва бу тўғрисида маълумотини маълум қилинган.

Назоратли кузатув ҳужжатлари кейинги рўйхатдан ўтказиш вақтинча савқатининг кўзда тутилган бўлиб, ҳужжатлар бир йил давомида қайта ишланган ва уруш бошланганлиги сабабли ушбу қайта ишлаш жарафани охирига етмаган.

1959, 1970, 1979, 1989 йиллардаги аҳолини рўйхатга олишнинг олдинги йиллардаги рўйхатга олишдан фарқи шунда бўлганки, бунда шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам рўйхатдан ўтказиш муддати ягона 8 кун қилиб белгиланган ва бу йиллардаги рўйхатга олишда аҳоли таркибининг турли белгилари рўйхатга олинган.

1970 йилдан бошлаб иттифоқда икки хил, ёлпасига ва танланма кўринишида аҳоли рўйхатдан ўтказилган.

Ёлпасига рўйхатга олишда аҳолининг қуйидаги белгилари рўйхатга олинган:

Рўйхатдан ўтказилаётган оилادا яшовчи шахснинг оила бошлиғига алоқадорлиги; аҳоли рўйхати ўтказилаётган ҳудудда вақтинча яшамаётганлар учун унинг қайси вақтдан буён яшамаётганлиги ва сабаби; аҳоли рўйхати ўтказилаётган ҳудудда вақтинча яшаб келаётганлар учун унинг доимий яшайдиган манзили ва доимий яшайдиган манзилида қачондан буён яшамаётганлиги; рўйхат ўтказилаётган оилادا яшовчиларнинг жинси; ёши; никоҳлилик ҳолати; миллати; она тили, шу билан бирга иттифоқда яшовчи қайси халқларнинг тилини қай даражада билишлиги; маълумот даражаси; ўқувчилар учун унинг қайси даражадаги ўқув муассасасида ўқишлилиги; қайси воситавий манбаа ҳисобига яшайётганлиги.

Танланма кўринишида рўйхатга олишда аҳолининг қуйидаги белгилари рўйхатга олинган:

Иш жойи; асосий машғулоти (нафақаданлар учун олдинги асосий машғулоти); иш жойининг давомийлиги ва тавсифи; жамиятдаги гуруҳи; рўйхатдан ўтказилаётган ҳудудда қачондан яшаб келаётганлиги; олдинги доимий яшаб келган жойи; яшаш жойини ўзгартириш сабаби.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, 1970 йилдан 1989 йилга қадар ўтказилган рўйхатдан

ўтказишлар олдинги рўйхатдан ўтказишлардан тўлиқ фарқ қилиб, бунда олдинги йилдан ёлпасига ва танланмай кўринишида рўйхатдан ўтказилган.

Ёлпасига рўйхатдан ўтказишда асосан доимий яшовчи аҳоли рўйхатга олинган бўлса, танланма кўринишида эса бошқа кўридан кўриб келган ва вақтинча яшовчи (мигрантлар) аҳоли рўйхатга олинган.

Муастакиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сониغا, иш-жино таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгартириллар, Республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзгаришлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2020 йилда Бугунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш дастурини қўллаб-қувватлашини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, аҳоли сонининг аниқ ҳисоблаб чиқишларни таъминлаш, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлаш мақсадида 2019 йил 5 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5655-сонли Фармони имзоланди.

Ушбу фармонга асосан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга дсир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва дастур билан Республикадаги вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Абдубанно БОБОМИРЗАЕВ,  
Тошкент вилояти Статистика  
бошқармаси бошлиғи.